

Аллоҳ уни мукофотласин!



08:00 / 01.01.2021 1885

Мансур ибн Аммор айтади: «Бир йили ҳаж қилдим. Кўфа кўчаларидан бирида тўхтадим. Тун қоронғисида ташқарига чиқсам, бир киши баланд овозда: «Аллоҳ, иззатинг ва улуғлигингга қасам, мен ўз гуноҳларим билан Сенга қарши чиқишни хоҳламадим. Сенга кўп исён қилдим, жазо беришингдан жоҳил ҳолда Сенга осийлик қилдим. Хатога йўлиқдим, бадбахтлигим гуноҳ қилишга ёрдам бериб юборди. Гуноҳларимни беркитишинг мени алдаб қўйди. Мен Сенга осийлик қилдим, нодонлигим туфайли Сенга қарши чиқдим. Энди Сенда менга қарши ҳужжат бор. Ҳозир азобингдан мени қутқарадиган ким бор? Агар арқонингни мендан узиб қўйган бўлсанг, кимнинг арқони билан уланаман? Эҳ, ёшлигим беҳуда ўтди! Эҳ, ёшлигим беҳуда ўтди!» деб йиғлар эди.

У гапини тугатгач, ушбу оятни ўқидим: **«Эй иймон келтирганлар! Ўзларингизни ва оила аъзоларингизни ёқилғиси одамлару тошлардан бўлган дўзахдан сақлангизки, унда дағал ва қаттиққўл, Аллоҳ буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган, фақат буюрилган ишни қиладиган фаришталар бор».** (Таҳрим сураси, 6-оят).

Мен оятни ўқиб тугатганимда кескин бир ҳаракат эшитилди, кейин эса ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Ортимга қайтиб, манзилимга келдим. Эртаси куни ўша кўчадан ўтиб кетаётсам, бир кишига жаноза ўқиладиган экан. Бир кампирни кўриб, нима бўлганини сўрасам, «Бир киши тунда ўғлимнинг ёнидан ўтди. Ўғлим намоз ўқийдиган эди. Ўша киши Аллоҳнинг

Китобидан бир оятни ўқиган эди, ўғлим уни эшитиб, вафот этди. Аллоҳ ўша одамни Ўзи мукофотласин», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан